

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ УМУМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МЕЪЁРЛАР, СТАНДАРТЛАР ВА МЕЗОНЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

М.Т. Ибодуллаева

ТДИУ катта ўқитувчиси, PhD

Э.З. Алиев

ТДИУ магистранти

e-mail: m_ibodullayeva94@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Тижорат банклари фаолиятини умумэътироф этилган меъёрлар, стандартлар ва мезонлар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш улар фаолиятининг самарадорлигини, жумладан, банкларнинг ликвидлиги, ва молиявий барқарорлигини, активларнинг риск даражалари ва даромадлиги ўртасидаги муносабатликни тўғри ва аниқ баҳолаш имконини беради.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини умумэътироф этилган меъёрлар, стандартлар ва мезонлар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

***Калит сўзлар:** тижорат банки, регулятив капитал, капиталнинг етарлилиги, актив, активларнинг сифати, риск, кредит, кредит риски, кредит портфели, ликвидлик.*

IMPROVING ASSESSMENT OF COMMERCIAL BANKS BASED ON GENERALLY RECOGNIZED NORMS, STANDARDS AND CRITERIA

ABSTRACT

Improving the system for assessing the activities of commercial banks based on generally accepted norms, standards and criteria allows you to correctly and accurately assess the effectiveness of commercial banks, in particular, liquidity and financial stability, proportionality between risk levels and return on assets.

The article developed scientific proposals aimed at improving the system for evaluating the activities of commercial banks of the Republic of Uzbekistan on the basis of generally accepted norms, standards and criteria.

Key words: *commercial bank, regulatory capital, capital adequacy, asset, asset quality, risk, loan, credit risk, loan portfolio, liquidity.*

КИРИШ

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон банк тизимини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тижорат банклари фаолиятига умумэътироф этилган замонавий нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банк-молия тизими кўрсаткичларини халқаро рейтинг баҳолаш ташкилотлари ҳамда миллий мустақил рейтинг баҳолаш тизимига мувофиқ ҳолисона баҳолашни янада такомиллаштириш республика банк тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилган [1]. Бу эса, тижорат банклари фаолиятини умумэътироф этилган меъёрлар, стандартлар ва мезонлар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

М. Бобрикнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини баҳолашнинг нисбатан такомиллашган услубиёти бўлиб, учта баҳолаш услубиётидан – тижорат банкининг молиялари таркибини таҳлил қилиш ва баҳолашни кўзда тутувчи молиявий ресурслар ва капитал ўртасидаги алоқадорлик модели, тижорат банкининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш сифатини таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги модели ва олдиндан белгиланган даврий ораликда молиявий барқарорликнинг чегарасини аниқлаш моделидан ташкил топган баҳолаш услубиёти ҳисобланади [2].

С. Хасяновнинг фикрига кўра, Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан ишлаб чиқилган тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи 24 та кўрсаткичдан иборат бўлган кўрсаткичлар тизими банкларнинг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини аниқ баҳолаш имконини беради [3].

Е. Стародубцеванинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлилигини банкнинг ликвидли позицияси асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда банкнинг ликвидли позицияси деганда унинг пуллик талаблари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбат тушунилади, агар миждозларга бўлган талаб мажбуриятлардан юқори бўлса, ортиқча ликвидлилик ҳосил бўлади; агар мажбуриятлар талаблардан юқори бўлса ликвидлиликнинг етишмаслиги юзага келади [4].

Проф. Ж. Синкининг хулосасига кўра, тижорат банкларининг даромад базасининг ҳолатини соф фоизли маржа кўрсаткичи аниқроқ кўрсатади. Унинг фикрича соф фоизли маржа банк активлари миқдорига тескари пропорционал бўлиб, кредитлар ва депозитлар бозоридаги юқори даражадаги рақобат унинг даражасига кучли таъсир кўрсатади [5].

Е.Галийнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига баҳо бериш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

* капиталнинг етарлилик кўрсаткичлари;

- * банк активлари ва пасивларининг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- * банкнинг даромадлилиги (фойдалилиги) кўрсаткичлари;
- * ликвидлилик кўрсаткичлари [6].

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорида Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан олға силжиб боришини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш мамлакат молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банклар ва бутун молия-банк тизими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорироқ даражасига чиқишни таъминлашнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [9].

Шунингдек, 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган

макроиқтисодий сиёсат юритиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [10].

Базель-I стандартига кўра, тижорат банклари капитали иккита молиявий коэффициент билан, яъни регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти ва биринчи даражали капиталининг етарлилик коэффициенти орқали аниқланади. Бунда, биринчи коэффициент регулятив капитални банк активларининг рискка тортилган суммасига тақсимлаш йўли билан, иккинчи коэффициент эса, биринчи даражали капитални банк активларининг рискка тортилган суммасига тақсимлаш йўли билан аниқланади [11].

1-жадвал

“CAMELS” рейтинг тизимида банкларнинг ликвидлиги бўйича рейтингини[12]

Рейтинг	Мезонлар
1 – кучли	Ликвидли активлар ҳажми етарлича ва ташқи манбаларни бемалол жалб қилиш мумкин
2 – қониқарли	Ликвидлилик пасаймоқда ва жалб қилинаётган ресурслар ҳажми ошмоқда. Аммо, ликвидлилик кўрсаткичи банк мансуб бўлган банклар гуруҳидаги ўртача кўрсаткичдан юқори
3 – ўртача	Ликвидли активлар ҳажми мажбуриятлар бўйича талабларни қоплашга ва мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлик қондиришга, жалб қилинган маблағлар ҳажмини оширмасдан туриб, етмайди.
4 – чегаравий	Ликвидлилик кўрсаткичи қабул қилинган меъёрдан сезларли даражада паст
5 – қониқарсиз	Банкнинг ликвидлиги шу қадар паст даражадаки, у операцияларни амалга ошириш имкониятига эга эмас ва унинг ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлашга қаратилган тезкор чоралар кўриш талаб этилади

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, “CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ликвидли активларнинг банк мажбуриятларини бажаришга етиш ёки етмаслик даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Энди биз республикаимиз тижорат банклари фаолиятининг алоҳида жиҳатларига баҳо берамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг кредитлари ва муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда¹

Кўрсаткичлар	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Кредитлар, трлн. сўм	207,6	270,2	316,4	378,9
Муаммоли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи, %	1,5	2,1	5,2	3,6

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, республика тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг миқдори 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган даражасидан юқоридир.

Биз қуйида тижорат банклари фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлган соф фойданинг даражасига баҳо берамиз.

3-жадвал

¹ Жадвал муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикасида ТИФ Миллий банкида соф фойда, активларнинг рискка тортилган суммаси ва соф фойданинг даражаси¹


Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
ар	й.	й	й.	й.	й.
Соф фойда, млрд. сўм	354	506	1 043	905	983
Активларнинг рискка тортилган суммаси, млрд. сўм	28 397	33 650	41 658	53 820	66 769
Соф фойдани активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси, %	1,2	1,5	2,5	1,7	1,5

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда соф фойда миқдоринг ўзгариши билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўзгариши ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлмаган. Масалан, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан банкда соф фойданинг миқдори кескин камайгани ҳолда, активларнинг рискка тортилган миқдори сезиларли даражада ошган.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда соф фойда 2.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадик, ТИФ Миллий банки соф фойдасининг даражаси ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган даражасидан (2,0%) паст бўлган.

¹Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкнинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

Қуйидаги маълумотлар орқали кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захирасининг даражасига баҳо берамиз.



1-расм. АТ “Асакабанк” ва ТИФ Миллий банкида берилган кредитлар бўйича захира ажратмаларининг даражаси¹

1-расм маълумотларидан кўринадик, Асакабанкда берилган кредитлар бўйича захира ажратмаларининг даражаси 2020-2022 йилларда ушбу кўрсаткичнинг умумэтироф этилган даражасидан юқори бўлган.

1-расм маълумотларидан кўринадик, ТИФ Миллий банкида берилган кредитлар бўйича захира ажратмаларининг даражаси 2018-2022 йилларда ушбу кўрсаткичнинг умумэтироф этилган даражасидан юқори бўлган.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*ҳозирги даврда, халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг фаолиятини баҳолашда Базель қўмитасининг экспертлари, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари, Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг

¹ Расм муаллиф томонидан Асакабанк ва ТИФ Миллий банкнинг баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

экспертлари томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш услубиётларидан кенг фойдаланилмоқда;

*“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ликвидли активларнинг банк мажбуриятларини бажаришга етиш ёки етмаслик даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади;

*республика тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг миқдори 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, муаммоли кредитларнинг брутто кредитларга нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган даражасидан юқори бўлган;

ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда соф фойда миқдоринг ўзгариши билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўзгариши ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлмагани ҳолда, мазкур даврда соф фойдасининг даражаси ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган даражасидан (2,0%) паст бўлган.

Асакабанкда берилган кредитлар бўйича захира ажратмаларининг даражаси 2020-2022 йилларда ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган даражасидан юқори бўлган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари фаолиятини баҳолашни умумэътироф этилган меъёрлар, стандартлар ва мезонлар асосида такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг ликвидлигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғини ушбу кўрсаткичнинг умумэътироф этилган меъёрий даражада (30%) бўлишини таъминлаш лозим; иккинчидан, лаҳзали ликвидлилик коэффициентининг минимал меъёрий даражасини халқаро амалиётда умумэътироф этилган даражада (20%) белгилаш керак; тўртинчидан, республика банк назорати амалиётига Базель қўмитасининг банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари бўйича талабини жорий қилиш лозим;

тижорат банклари учуе узоқ муддатли ликвидлилик коэффицентини жорий қилиш зарур.

2. Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискинни баҳолашни такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари ни ушбу кўрсаткичнинг меъерий даражасида (1,0%) бўлишини таъминлаш керак; иккинчидан, Базель кўмитаси томонидан кредит рискинни бўйича таклиф этилган стандартлашган ёндашувни республика банк назорати амалиётига жорий этиш лозим.

3-жадвал

Базель-II стандартига тавсия этилган кредит рискинни баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашувда кредит рискинни баҳолаш тартиби¹

Рейтинг	Рискка тортиш коэффицентлари (%)			
	Давлат ва Марказий банклар	Кредит ташкилотлари (1-вариант)	Кредит ташкилот (1-вариант) (қисқа муддатли талаблар)	Юридик шахс
AAA дан А гача	0	20	20 (20)	20
A+ дан А – гача	20	50	50 (20)	50
BBB + дан BBB – гача	50	100	50 (20)	100
BB + дан BB – гача	100	100	100 (50)	100
B + дан B – гача	100	100	100 (50)	150
B – паст	150	150	150 (150)	150
Рейтингсиз	100	100	50 (20)	100

¹ Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. <http://www.bis.org/publications>.

3-жадвал маълумотлардан кўринадикки, Стандартлашган ёндашувга кўра, тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискининг даражаси кредит олувчининг суверен кредит рейтингига боғлиқ. Масалан, суверен кредит рейтингига AAA дан AA гача бўлган давлатларнинг ҳукуматларига ва Марказий банкларига берилган кредит риск даражаси нолга тенг, мазкур давлатлардаги кредит ташкилоларига берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга, юридик шахсларга берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга тенг, суверен кредит рейтингига В– дан паст бўлган давлатларнинг Ҳукуматларига, Марказий банкларига, кредит ташкилотларига ва юридик шахсларига берилган кредитларнинг риск даражаси 150 фоизга тенг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017 й., 07/17/3270/0004; 06.03.2018 й., 06/20/5370/0975-сон; 23.07.2019 й., 07/19/4400/3468-сон; 27.02.2021 й., 06/21/6179/0165-сон.

2. Бобрик М.А. О повышении роли кредита и банков в инновационном развитии экономики России // Финансы и кредит. – 2011. – № 4. – С. 69.

3. Хасянова, С. Ю. О системе оценки финансовой устойчивости банковского сектора//Финансы и кредит. – 2012. – № 12. – С. 24–25.

4. Стародубцева Е. Б. Основы банковского дела//М.: Инфра-М, 2014. – С. 132.

5. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.338.

6. Галий Е.А. Анализ надежности и инвестиционной привлекательности коммерческого банка. Автореф. дисс. на дунёсоиск. уч. ст. к.э.н. - Санкт - Петербург, 2003.- 20 с.

7. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 150-151.

8. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантиришида кредит самарадорлигини ошириши. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 79 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиши ва барқарорлигини ошириши ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2010. - №48. – 4-6-б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиши стратегияси тўғрисида//(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон).

11. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org.publications>.

12. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.